

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

11-сон  
(1083)  
2023 йил  
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

79. «Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 мартағи ЎРҚ-822-сон Қонуни
80. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 мартағи ЎРҚ-823-сон Қонуни
81. ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 17 мартағи ЎРҚ-824-сон Қонуни

**Иккинчи бўлим**

82. «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартағи ПФ-34-сон Фармони
83. «Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 мартағи ПҚ-94-сон қарори

**Учинчи бўлим**

84. ««Электрон ҳукумат» тизими ning маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 мартағи 107-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

85. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиб агентлиги директорининг 2023 йил 11 мартағи 54-сон «Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совфа қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3425)
86. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 25 февралдаги 01/11-14/21-сон ва Буш прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2023 йил 24 февралдаги 6-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-6)
87. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 2 мартағи 4/12-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-9)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**79**

**Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равища фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Конунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
2 марта қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 3 марта  
маъқулланган

Кейинги йилларда энергия ресурсларидан қонунга хилоф равища фойдаланиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан энергия ресурсларидан қонунга хилоф равища фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликлар саломиғи ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан энергия ресурсларидан қонунга хилоф равища фойдаланганлик ва мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан тижорат мақсадларида қонунга хилоф равища фойдаланиш билан боғлиқ харакатлар ўғирлик сифатида малакаланади, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик, шунингдек электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати ушбу Инспекцияга ва унинг ҳудудий бошқармаларига тааллуқлилиги белгиланмоқда.

Ушбу Қонун энергия ресурсларидан қонунга хилоф равища фойдаланганлик соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мазкур қилмишларни содир этганлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бундай тоифадаги хуқуқбузарликларга доир суд-тергов амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 марта эълон қилинган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 169-модда иккинчи қисми:**

**«г» бандининг ўзбекча матнидаги «содир этилган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

куйидаги мазмундаги «д» ва «е» **бандлар** билан тўлдирилсин:

«д) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиб йўли билан;

е) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига электр энергияси, газ ёки сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, ти-

жорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиб йўли билан содир этилган бўлса»;

2) **185<sup>2</sup>-модда** қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиб орқали талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

3) **саккизинчи бўлим** қўйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

**«Тижорат мақсади** — жисмоний ёки юридик шахслар томонидан муайян фаолиятда фойда ёки даромад олишга қаратилган мақсад».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда.

да; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) **345-моддасига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

**иккинчи қисми** «141 — 149» рақамларидан кейин «169-моддаси иккинчи қисмининг «д» ва «е» бандларида ҳамда учинчи қисмининг «г» бандида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисмдаги** «169-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «169-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида ҳамда тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда,

№ 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

**1) 61-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ўюли билан электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ўғирлаш тарзида содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансан; қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тижорат мақсади деганда жисмоний ёки юридик шахслар томонидан муайян фаолиятда фойда ёки даромад олишга қаратилган мақсад тушунилади»;

**2) 101-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги электр ёки газ тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали оз миқдорда ўғирлаш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

**3) 163-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги иссиқлик ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали оз миқдорда ўғирлаш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

4) қуидаги мазмундаги **198<sup>6</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«198<sup>6</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичидаги такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**5) 245-модданинг биринчи қисми:**

«101» рақамидан кейин «(бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«198<sup>5</sup>» рақамидан кейин «198<sup>6</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

**6) 248-модданинг тўртинчи қисми** «ушбу Кодекснинг 101-моддасида» деган сўзлардан кейин «(бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) қуидаги мазмундаги **260<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«260<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 101-моддасида (электр энергияси ва газдан фойдаланиш қисмидаги мансабдор шахсларга нисбатан) назарда тутилган маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга қўйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр

энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиги ҳамда унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари бошликлари.

Ушбу Кодекснинг 198<sup>6</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 март,  
ЎРК-822-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ**

**80**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
31 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 марта  
маъқулланган

Мамлакатимизда суд тизимини такомиллаштиришга, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг, шу жумладан болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек мактабгача таълим тизимини ислоҳ этишга ва янада ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Бундан бўён ҳам фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, маъмурий органларнинг қарорлари устидан маъмурий судларга шикоят қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш муддатини 3 ойдан 6 ойгacha кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Шунингдек болаларни хорижий мамлакатлар ҳудудида зарур даражадаги васийлик ва ҳомийликсиз қолдиришнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу Қонун билан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, болаларни хорижий мамлакатлар ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини ошириш мақсадида ушбу Қонун билан «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар сони 25 нафардан 50 нафаргача кўпайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ҳамда «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 марта эълон қилинган.

Ушбу Қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек баркамол ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) куйидаги мазмундаги **122<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«122<sup>1</sup>-модда. Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш, ҳудди шундай хатти-харакат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган ва чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтарилишини таъминламаслик, —

базавий хисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- б) баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- б) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса;
- в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган боланинг Ўзбекистон Республикасига қайтирилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кун ичida таъминлаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинди, бундан ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек илгари ушбу модда бўйича жавобгарликдан озод қилинган шахслар мустасно».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259,

267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

- 1) **345-модданинг бешинчи қисми** «121-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлардан кейин «122<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 2) **381<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг 1-банди** «121-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «122<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда,

№ 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) кўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 9-модда:**

**Биринчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахс бу хуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилаётган қонунчиликка асосан жавобгарликка тортилади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

кўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар улар чет давлат худудида хуқуқбузарлик содир этган ва ушбу Кодекснинг 47<sup>6</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлиги учун ўша давлатнинг қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилмаган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади»;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**2) қўйидаги мазмундаги 47<sup>6</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«47<sup>6</sup>-модда. Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Боланинг чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирилганлиги ҳақидаги маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида кўпи билан ўттиз кунлик муддат белгилаган ҳолда суд мазкур маъмурий хуқуқбузарликни содир этган шахснинг зиммасига болани чет давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикасиға қайтариш ёхуд хуқуқбузарликни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклатади. Отанинг, онанинг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахснинг илтимосномасига кўра мазкур муддат яна ўттиз кунга узайтирилиши мумкин»;

**3) 245-модданинг биринчи қисми «47<sup>5</sup>» ракамидан кейин «47<sup>6</sup>» раками билан тўлдирилсин;**

**4) 248-модданинг тўртинчи қисмидаги «101-моддасида»** деган сўзлар «47<sup>6</sup> ва 101-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-139-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **14-моддасига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Болани ота ёки она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс томонидан чет давлат худудида назоратсиз қолдириш, яъни ота-онанинг, улар ўрнини босувчи шахснинг болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахснинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, шу жумладан болани ўз ота-онасига ёки яқин қариндошларига ёхуд Ўзбекистон Республикаси худудида тақиқланмаган ва тегишли давлатнинг қонунчилигига биноан зарур ваколатларга эга бўлган ташкилотга топширмасдан қолдириш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»;

**бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** тегишинча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги ЎРҚ-420-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 984-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг матнидаги** «Туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича» деган сўзлар «Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **24-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9,

903-модда; 2022 йил, № 8, 667-модда, № 12, 1189-модда) **186-моддасининг биринчи қисмидаги** «уч ой ичида» деган сўзлар «олти ой ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**»ги ЎРҚ-595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда, № 10, 968-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг ўн саккизинчи хатбошисидаги** «муассасалари» деган сўз «ташкилотлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «йигирма беш» деган сўзлар «эллик» деган сўз билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ-701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда) **3-илова 30-позициясининг «Хабарноманинг номи»** деган **устунидаги** «муассасалари» деган сўз «ташкилотлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирун;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**10-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1 — 4-моддалари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 март,  
ЎРҚ-823-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**81****«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунига қўшимча киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
25 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 марта  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга давлат хизматларини кўрсатиш чоғида жисмоний шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан фуқаролар томонидан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга аризалар (шикоятлар) берилган тақдирда, давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлаш имконияти назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонунда таклиф этилаётган норма фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар) **иловаси 3-бандининг изохи** қўйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«Фуқаролар давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судларга мурожаат қилганда ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлайди. Бунда давлат божининг қолган қисми қонунда белгиланган тартибида ишни кўриш натижалари бўйича ундирилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва бошқа манфаатдор

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 марта эълон қилинган.

ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 17 март,  
ЎРҚ-824-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**82**

**Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари-ни ижтиомий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, жамиятда эзгулик, ҳамжиҳатлик ва инсонийлик мухитини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг (кейинги ўринларда — масъул вазирлик ва идоралар) Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида яраланганилиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларга (кейинги ўринларда — ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қўйидаги имтиёз ва кафолатлар берилсин:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ходим) оила аъзоларига бирйўла бериладиган нафақа марҳумнинг охирги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий (маҳсус) унвони маоши йиғиндинсининг 150 баравари миқдорида белгилансин;

ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий шахсий суфуртаси доирасида ҳарбий хизматчи (ходим) ҳалок бўлганда тўланадиган суфурта суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида белгилансин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига улар томонидан белгиланган миқдорларда (мехнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 фоизигача бўлган суммадан ошмаган ҳолда) маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тегишли ҳудудда истикомат қилувчи оила аъзоларига ҳар ой тўланадиган нафақа тайинлаш тартибини белгилаш ҳукуқи берилсин;

б) 2023 йил 1 майдан бошлаб:

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 марта эълон қилинган.

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига бокувчисини йўқотганлик пенсияси пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган пул таъминотининг (иш ҳақининг) 50 фоизи миқдорида белгилансин;

оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, 23 ёшга тўлмаган фарзандлари) даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилсин;

белгиланган тартибда туаржойга муҳтоҷ деб тан олинган тақдирда, туаржой билан биринчи навбатдаги тартибда таъминлансан;

қонунчиликда белгиланган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) туаржой сотиб олиш (куриш) учун узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартибига мувофиқ узок муддатли имтиёзли ипотека кредитларини олиш ҳуқуқи сақлаб қолинсан;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) янги никоҳга кирмаган турмуш ўртоғи ва (ёки) ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) қарамоғида бўлган ота-онасидан бирига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига туаржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби татбиқ этилсан (мулкида туаржой бўлмаган тақдирда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июндан бошлаб:

а) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) фарзандлари мактабгача таълим муассасаларида бепул тарбияланиши, шунингдек, профессионал ва олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида қўшимча квоталар бўйича таълим олиши таъминланади;

б) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ота-оналарига йилига икки марта темир ўйл ва ҳаво йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

в) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) оила аъзоларига: ушбу ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) хизматни ўтаган масъул вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади, шунингдек, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдамни устувор равишда олиш ва навбатдан ташқари шифохонага ётқизиш имконияти яратилади;

юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари хисобидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилади;

навбатдаги йиллик меҳнат таътилидан қулай вактда фойдаланиш, шунингдек, йилига икки ҳафтагача муддатга иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилади.

3. Масъул вазирлик ва идоралар Давлат бюджетидан уларга ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари манбалари хисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила аъзолари учун уларнинг мурожаатларига асосан қўйидагиларни таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси худудидаги санаторий-курорт муассасалари ва

болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида йилига бир марта бепул соғломлаштириш;

шифокорларнинг рецептларига асосан З ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларини (йилига бир марта), тиббий ва маҳсус протез-ортопедия мосламаларини олиб бериш ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатларини қоплаш;

оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлганларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, йилига бир марта дори воситаларининг 50 фойзигача бўлган суммасини компенсация қилиш.

4. Ушбу Фармонда (1-банд «а» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидан ташқари) белгиланган имтиёз ва кафолатлар 1991 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармон кучга киргунга қадар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

5. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ҳар бир ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оиласини оталиққа олсин.

Бунда:

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларидан хабар олиниши, уларнинг уй-жой билан таъминланиш, ишга жойлашиш, таълим олиш, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳамда бошқа долзарб масалалари ўрганилиши ҳамда мавжуд муаммолари ҳал қилиниши, мазкур Фармон ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиб борилиши таъминлансин;

масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари мазкур бандда белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишига шахсан жавобгар этиб белгилансин;

масъул вазирлик ва идораларда умумий штатлар сони доирасида уларнинг биринчи раҳбарларига мазкур бандда белгиланган вазифаларни бажаришга кўмаклашадиган маслаҳатчи лавозими киритилсин ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оиласини билан доимий алоқани ўрнатиш учун ишонч телефонлари ишга туширилсин;

мазкур банд ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар ойда ахборот киритиб борилсин.

6. Мудофаа вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишчи гурухлар тузган ҳолда:

икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 1, 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳар бир имтиёз ва кафолатни тақдим этиш тартибини белгиловчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

2023 йил 1 декабрга қадар «Фахрийлар тўғрисида»ги, «Ҳарбий хизматчи-

лар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иктисадиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун 2023 йилда вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратсин, 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мудофаа вазири Б.Н. Курбанов, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Усманов ва Миллий гвардия қўмандони Р.М. Джураев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 март,  
ПФ-34-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**83**

**Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олув-  
чиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида\***

Кексаларни кўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия олувчиларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишида қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент метрополитенинг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилиди.

Бунда, Тошкент метрополитенинг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 март,  
ПҚ-94-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 марта эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

#### **84 «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбир- лари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада такомиллаштириш бўйича «ёўл харитаси»нинг 18-бандига мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишиш марказини ишга тушириш ҳамда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини босқичма-босқич жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишиш белгиланганлиги;

хозирги кунда «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасида (кейинги ўринларда — Марказ) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишиш маркази ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишиш марказининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақлаш;

«Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмасига оид давлат ахборот тизимларининг узлуксиз ишишини таъминлаш, уларни сақлаш ва қайта ишиш;

ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашга масъул бўлган давлат органлари билан ҳамкорликда «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишиш марказига жойлаштирилган ва сақланётган давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари хавфсиз ва барқарор ишишини, ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш;

булутли технологиилар асосида давлат органлари ва ташкилотлари учун янги турдаги хизматларни жорий этиш.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишиш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 марта эълон қилинган.

ахборот тизимларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тартиби тўғриидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансанн:

«Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини жойлаштириш тартиби;

«Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини сақлаш ва қайта ишлаш тартиби;

«Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлашда тарафларнинг хуқук ва мажбуриятлари.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини тўлиқ амалга ошириши учун қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

Марказнинг тузилмасида қўшимча 30 та штат бирлигини ажратиш, шу жумладан, директор ўринбосари — «Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази бошлиғи лавозимини жорий этиш;

«Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказининг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча ажратилган штат бирликлари молиялаштирилиши Марказнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим қилинган ахборот тизимларини «Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш хизматларини кўрсатишдан тушган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган маблағлар ҳисобидан амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларига «Электрон хукумат» тизими инфраструктузилмаси доирасида маълумотларни жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича Марказ билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга руҳсат бериш;

Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирига Марказ тузилмасига маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш хизматларини кўрсатишдан тушган маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилайдиган қўшимча штат бирликларини киритиш хуқуқини бериш.

##### 5. Белгилансанки:

Марказ «Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказининг оператори ва эгаси ҳисобланади;

Марказ директори ўринбосари — «Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Марказ директори томонидан Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда ўз фаолиятида Рақамли технологиялар вазирлигига ва Марказ директорига бўйсунади;

Марказда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим қилинган ахборот тизимларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш хизмат-

ларини кўрсатишдан тушган маблағлар Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ушбу қарорнинг 2-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган йўналишлар молиялаштирилганидан кейин қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этилади;

Марказда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ихтиёрий равишда, мазкур давлат органлари ва ташкилотларининг буюртмачи сифатида берган аризасига асосан ёки «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида жойлаштирилади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хуносалари олинмасдан амалиётга жорий этиш тақиқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги бир ой муддатда:

Марказ уставини қайта қўриб чиқсин ва малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсинг;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 марта,  
107-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 мартағи 107-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта  
ишлиш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг  
ахборот тизимларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта  
ишлиш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлиш марказида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ахборот тизимлари** — буюртмачининг ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари ва бошқа техник қурилмалари;

**буюртмачи** — «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлиш марказида ўзининг ахборот тизимларини жойлаштиришга талабгор бўлган ёки жойлаштирган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда устав фондидаги (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари;

**оператор** — «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси;

**«Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлиш маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) — буюртмачининг «Электрон ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрига киритилган идоравий ва идоралараро ахборот тизимларининг сақланишини, қайта ишлишини ва интеграциялашувини амалга оширишга ихтисослашган маълумотларни қайта ишлиш мажмуаси;

**Марказ қувватлари** — Марказда ўрнатилган, буюртмачи учун шартнома асосида ажратилувчи техник-дастурий воситалар, шу жумладан, ҳисобни юритувчи платформалар, коммутация асбоб-ускуналари ҳамда диск ва сервер ҳажмлари жамланмаси.

3. Марказда буюртмачининг ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақлаш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схема асосида амалга оширилади.

**2-боб. Марказда буюртмачининг ахборот тизимини  
жойлаштириш тартиби**

4. Буюртмачининг ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг қарори билан тасдиқланадиган режа-жадвалга асосан унда кўрсатилган муддатларда. Бунда:

хар йили ноябрь ойига қадар Рақамли технологиялар вазирлигининг сўровига мувофиқ буюртмачиларнинг таклифлари ушбу вазирликка тақдим этилади;

хар йили декабрь ойида «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан буюртмачиларнинг таклифларига асосан умумлаштирилган маълумотлар бўйича буюртмачиларнинг ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш режа-жадвалини тасдиқлайди;

буюртмачи «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг тасдиқланган қарори ўзига келиб тушган кундан бошлаб етти иш куни ичидаги мазкур қарорда белгиланган ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш бўйича операторга ушбу Низомга 2-иловада\* назарда тутилган шаклда ариза билан мурожаат қиласди;

оператор ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни ичидаги буюртмачининг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ аризаси тўғри ёзилганлигини ва унда кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ қайд этилганлигини кўриб чиқади, буюртмачининг аризасида назарда тутилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ ҳамда ахборот тизимларини Марказда жойлаштиришнинг ташкилий-техник имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда, оператор ва буюртмачи ўртасида буюртмачининг ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш бўйича шартнома лойихасини расмийлаштириш учун буюртмачига тақдим этади;

тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартнома асосида оператор етти иш куни ичидаги Марказда буюртмачининг аризасида назарда тутилган маълумотлар асосида буюртмачининг ахборот тизимларини жойлаштириш учун зарур техник имкониятларни яратади ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қиласди;

буюртмачи тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномага мувофиқ, операторнинг хабари асосида ўз ахборот тизимларининг техник имкониятларидан келиб чиқиб Марказда ўзининг ахборот тизимларини жойлаштиради;

б) буюртмачининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг қарори билан тасдиқланган режа-жадвалда назарда тутилмаган ахборот тизимларини ихтиёрий равишда ушбу Низомга 2-иловада назарда тутилган шаклда операторга берган аризасига асосан. Бунда:

оператор ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни ичидаги буюртмачининг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ аризаси тўғри ёзилганлигини ва унда кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ қайд этилганлигини кўриб чиқади, буюртмачининг аризасида назарда тутилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ ҳамда ахборот тизимларини Марказда жойлаштиришнинг ташкилий-техник имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда, оператор ва буюртмачи ўртасида

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

буюртмачининг ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш бўйича шартнома лойиҳасини расмийлаштириш учун буюртмачига тақдим этади;

тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартнома асосида оператор етти иш куни ичидан Марказда буюртмачининг аризасида назарда тутилган маълумотлар асосида унинг ахборот тизимларини жойлаштириш учун зарур техник имкониятларни яратади ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қилади;

буюртмачи тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномага мувофиқ, операторнинг хабари асосида ўз ахборот тизимларининг техник имкониятларидан келиб чиқиб Марказда ўзининг ахборот тизимларини жойлаштиради.

5. Буюртмачилар ушбу Низомга 2-иловада назарда тутилган аризанинг тўлиқ тўлдирилиши ҳамда маълумотларнинг ҳаққонийлиги, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг қарори билан тасдиқланган режа-жадвалда назарда тутилган муддатларда, шунингдек, ўзининг ахборот тизимлари Марказда лозим даражада жойлаштирилиши ҳамда маълумотларнинг қайта ишланиши учун жавобгардирлар.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда оператор ўртасида тузиладиган шартнома суммаси буюртмачи ахборот тизимларининг техник параметрлари асосида оператор томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифларга мувофиқ белгиланади.

7. Буюртмачининг ахборот тизимларини Марказда жойлаштириш учун зарур бўлган алоқа каналларининг тегишли тезлиги ҳамда қўшимча техник имкониятлари оператор томонидан буюртмачининг тарафлар ўртасида тузилган шартнома асосида берган сўровига мувофиқ яратилади.

Бунда буюртмачининг ахборот тизимлари Марказда жойлаштирилиши учун зарур бўлган алоқа каналларининг тегишли тезлиги ҳамда қўшимча техник имкониятлари яратилиши учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирлар харажатлари буюртмачининг хисобидан молиялаштирилади.

8. «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш доирасида оператор ва буюртмачиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви фақат «Электрон ҳукумат»нинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи ёки ҳимояланган VPN тармоғи (IPSec VPN) орқали ташкил этилади.

Фойдаланилиши чекланган ахборотни муҳофаза қилиш қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **3-боб. Марказда буюртмачининг ахборот тизимини сақлаш тартиби**

9. Тарафлар ўртасида тузиладиган шартномада назарда тутилган муддатларда ва тартибда буюртмачининг ахборот тизимлари Марказда жойлаштирилган вақтдан бошлаб мазкур ахборот тизимларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда қонунчилик хужжатларига мувофиқ сақланиши учун оператор жавобгар хисобланади.

10. Буюртмачиларнинг ахборот тизимлари Марказда қўйидаги усулларда сақланади:

буортмачининг сервер қурилмаларини Марказ худудида бевосита жойлаштириш;

Марказ қувватларидан фойдаланган холда виртуал сервер қувватларини яратиш.

11. Оператор буортмачининг ахборот тизимлари Марказда лозим даражада сақланиши учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

буортмачининг ахборот тизимлари лозим даражада ва узлуксиз ишлаши учун Марказни зарур миқдорда электр энергияси билан таъминлаш;

Марказда ёнгин хавфсизлиги ва ҳаво айланиши тизимларини йўлга қўйиш;

Марказда сақланаётган буортмачи ахборот тизимларининг хавфсизлиги-ни ҳамда улардаги маълумотларнинг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига жавоб беришини, шунингдек, маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини кўриш.

12. Ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва лозим даражада амалга оширилиши, Марказда сақланаётган буортмачининг ахборот тизимлари зарур ҳолатда сақланиши ва лозим даражада ишлаши учун оператор жавобгар ҳисобланади.

13. Қўйидаги ҳолатларда Марказда сақлаш учун берилган буортмачи ахборот тизимларининг шикастланиши, улардаги маълумотлар учун ахборот ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши ҳамда ахборот тизимларидаги техник камчиликлар учун оператор жавобгар бўлмайди:

тарафлар ўртасида тузилган шартномадаги форс-мажор ҳолати юз берса;

буортмачи томонидан Марказда сақлаш учун жойлаштирилган буортмачининг ахборот тизимлари учун ахборот ва киберхавфсизлик талаблари бузилган ёки ахборот ва киберхавфсизлик талабларини таъминлаш бўйича чоралар лозим даражада кўрилмаган тақдирда;

Марказда сақлаш учун жойлаштирилган буортмачининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги натижасида маълумотларнинг тўлиқ алмашинуви юз бермаган бўлса;

Марказга буортмачининг ахборот тизимлари кўчирилаётган вақтда буортмачининг ахборот тизимларида техник носозликлар юзага келганда;

Марказга жойлаштирилган буортмачининг ахборот тизимлари буортмачи томонидан қайта ишланиши натижасида техник носозликлар юзага келганда.

14. Ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар юз берган тақдирда, тарафлар (оператор ва буортмачи)дан бири йўл қўйилган камчилик бўйича иккинчи тарафни ёзма равишда камчилик аниқланган вақтдан бошлаб уч иш куни ичida хабардор қилиши лозим.

#### **4-боб. Марказда буортмачининг ахборот тизимини қайта ишлаш тартиби**

15. Марказда жойлаштирилган ва сақланаётган ахборот тизимларини қайта ишлаш буортмачи томонидан жойлаштирилган ахборот тизимлари-

нинг техник имкониятларидан келиб чиқиб, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Марказда ахборот тизимларидаги маълумотларни қайта ишлаш ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари ва тарафлар ўртасида тузиладиган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Оператор Марказда сақланаётган буюртмачининг ахборот тизимларидаги маълумотларнинг 24/7 режимида узлуксиз қайта ишланишини таъминлаши зарур.

18. Буюртмачи томонидан Марказда жойлаштирилган ва сақланаётган ахборот тизимларининг қайта ишланиши Марказда сақланаётган бошқа ахборот тизимларининг иш фаолиятига таъсир кўрсатмаслиги зарур.

### **5-боб. Марказда буюртмачининг ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш тартиби**

19. Оператор буюртмачининг Марказ қувватларидан фойдаланишини қўйидаги ҳолларда вақтинча тўхтатади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва ушбу Низом талаблари бузилган ҳолларда;

тарафлар ўртасида тузилган шартнома бўйича буюртмачи ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда.

Бунда вақтинчалик тўхтатиш муддати мазкур бандда келтирилган ҳолатлар бартараф этилиб, оператор томонидан мавжуд камчилик бартараф этилганлиги аниқлангунга қадар амал қиласди.

20. Оператор буюртмачининг Марказ қувватларидан фойдаланишини қўйидаги ҳолларда бекор қиласди:

Марказ қувватларидан фойдаланиш йил давомида икки ёки ундан ортиқ маротаба ушбу Низомнинг 19-бандига асосан вақтинча тўхтатилиб, бироқ буюртмачи йўл қўйилган камчиликларни амалда бартараф этмаётган бўлса;

қонунчилик ҳужжатлари ёки «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг қарори билан буюртмачининг Марказда сақлаш учун тақдим қилинган ахборот тизимини бундан кейин сақлаш имкониятлари чегаралангандан ёки тўхтатиш белгиланган бўлса;

тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шартнома муддати туғаган бўлса;

буюртмачининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига лозим даражада амал қиласлиги сабабли Марказда сақлаш учун берилган бошқа ахборот тизимларининг иш фаолиятида техник носозликлар юзага келган, заарарланган ёки иш фаолияти вақтинча ёхуд тўлиқ тўхтатилишига сабаб бўлган бўлса;

Марказ қувватларида иш фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги тўғриси-даги операторнинг ёзма хабари асосида буюртмачи кўрсатилган камчилик-ларни уч иш куни ичидаги бартараф этмаса.

21. Ушбу Низомнинг 19 ва 20-бандларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, оператор мавжуд камчилик аниқланган вақтдан бошлаб қўйидаги ишларни амалга оширади:

а) вақтинча тўхтатиш бўйича:

буюртмачини ушбу Низом 19-бандининг иккинчи ёки (ва) учинчи хатбошиси талаблари бузилганлиги тўғрисида ёзма равишда мавжуд камчилик аниқланган вақтдан бошлаб уч иш куни ичидаги хабардор қиласи;

мавжуд камчилик аниқланганлиги тўғрисидаги ёзма хабар буюртмачига юборилган вақтдан бошлаб етти иш куни ичидаги бузилганлиги тегишли ахборот тизими Марказда иш фаолиятини вақтинча тўхтатиши бўйича тегишли техник тадбирларни амалга оширади;

б) бекор қилиш бўйича:

буюртмачини ушбу Низомнинг 20-банди иккинчи — бешинчи хатбошилари талаблари бузилганлиги тўғрисида ёзма равишда мавжуд камчилик аниқланган вақтдан бошлаб уч иш куни ичидаги хабардор қиласи;

мавжуд камчилик аниқланганлиги бўйича ёзма хабар буюртмачига юборилган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидаги бузилганлиги тегишли ахборот тизимининг Марказ қувватларида иш фаолиятини бекор қилиш бўйича тегишли техник тадбирларни амалга оширади.

22. Марказ қувватларида буюртмачининг ахборот тизимлари вақтинча тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарни олган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги буюртмачи оператор кўрсатган камчиликларни бартараф этиб, бу ҳақда ёзма равишда операторни хабардор қиласи.

Оператор ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган муддатда буюртмачи томонидан ушбу Низомнинг 19-банди иккинчи ёки (ва) учинчи хатбошисида назарда тутилган камчиликларни амалда бартараф этганини тегишли ташкилий-техник тадбирлар орқали текшириб бўлганидан кейин мавжуд камчилик ҳақиқатдан бартараф этилган бўлса, шу куннинг ўзида вақтинча тўхтатилган ахборот тизимининг иш фаолиятини тиклаб, бу ҳақда ёзма равишда буюртмачини хабардор қиласи.

23. Буюртмачи томонидан оператор қайд этган камчиликларни амалда бартараф этилмаган бўлса ёки ҳақиқатдан бартараф этилганлиги операторнинг текшируви жараёнида аниқланмаган бўлса, оператор ушбу Низомнинг 21-банди «б» кичик бандида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади.

24. Иш фаолияти вақтинча тўхтатилиши ёки бекор қилиниши натижасида буюртмачининг ахборот тизимлари Марказда жойлаштирилиши ва сақлаши бўйича етказилган зарар буюртмачи хисобидан қопланади.

25. Иш фаолияти бекор қилинган вақтдан бошлаб тарафлар ўртасида тузилган Марказда буюртмачининг ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақлаш бўйича шартнома бекор қилинган ҳисобланади ва бунинг натижасида юзага келган зарар шартномада белгиланган тартибда қопланади.

**6-боб. Марказда буюртмачининг ахборот тизимини  
жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлашда тарафларнинг  
хуқуқ ва мажбуриятлари**

26. Оператор қўйидаги хуқуқларга эга:

Марказ қувватларидан фойдаланиш (жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш)нинг умумий тартиби ва шартларини белгилаш;

буюртмачига Марказда ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақлашда кўмаклашиш;

буюртмачига Марказ қувватлари юзасидан технологик ечимлар бўйича тушунтиришлар бериш;

буюртмачи билан тузилган шартноманинг сўзсиз бажарилишини талаб қилиш.

Оператор қонунчилик хужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:

Марказ қувватларидан фойдаланиш (жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш) учун операторга белгиланган тартибда ариза юбориш;

Марказ қувватлари юзасидан оператордан тушунтиришлар олиш;

ўз ахборот тизимини Марказда жойлаштириш ва сақлаш юзасидан оператордан ташкилий-техник ёрдам олиш;

оператор билан тузилган шартноманинг сўзсиз бажарилишини талаб қилиш.

Буюртмачи қонунчилик хужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Оператор ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларни олади:

Марказда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар олиб борилишидан камида уч иш куни олдин буюртмачини ёзма равишда хабардор қилиш;

Марказ қувватларидан фойдаланиш (жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш) тартиби ва шартларига риоя қилиш;

Марказ қувватларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўриш;

Марказ қувватларида ўзининг ахборот тизимлари вақтинча тўхтатилиши бўйича операторнинг ёзма хабарини олган вақтдан бошлаб З иш куни ичдиа оператор томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиб, бу ҳақда ёзма равишда операторни хабардор қилиш;

мазкур Низом ва буюртмачи билан тузилган шартнома талабларини сўзсиз бажариш;

мазкур Низомда ёки қонунчилик хужжатларида ёхуд техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, буюртмачини Марказ қувватларидан фойдаланиш (жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш)ни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш юзасидан ёзма хабардор қилиш.

Оператор қонунчилик хужжатлари ва шартномага мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

29. Буюртмачи ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларни олади:

Марказ қувватларида ахборот тизимларини жойлаштириш ва сақлаш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

ушбу Низом ва оператор билан тузилган шартнома талабарини сўзсиз бажариш;

Марказ қувватларида ахборот тизимларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш шартларига оид қонунчилик хужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабарига амал қилиш.

Буюртмачи қонунчилик хужжатлари ва шартномага мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

30. Буюртмачиларнинг Марказ қувватларига жойлаштирилган ва сақланаётган ахборот тизимлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар оператор томонидан тизимли равишда ҳар чоракда таҳлил қилиб борилади ва натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20-кунига қадар «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритиб борилади.

31. Мазкур Низомнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан амалга оширилди.

32. Қонун бузилиши ёки унинг юзага келишига сабаб бўлган шарт-шароитлар бўйича тизимли равишда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги буюртмачи ва операторга кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиб боради ҳамда ҳар йилнинг якунига қадар амалга оширилган ишлар тўғрисида «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига зарур маълумотларни тақдим қиласди.

33. Мазкур Низом талабарининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 мартағи 107-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидағи айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июндаги 409-сон қарорида:

а) қарорнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;**

б) 2-банднинг «а» кичик банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Digital office» тизимини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш»;

«Электрон хукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш»;

в) 3-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи ҳамда 4-банддаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўzlари «Рақамли технологиялар» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

д) 2-илованинг номидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўzlари «Рақамли технологиялар» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон хукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 16 июлдаги 444-сон қарорида:

а) 2-банда:

қўйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари Рақамли технологиялар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда «Киберхавфсизлик маркази» ДУК томонидан тақдим этилган ижобий хулоса асосидагина амалиётга жорий этилиши мумкин;

Вазирлик ҳамда «Киберхавфсизлик маркази» ДУКнинг ижобий хулосаларини олмасдан туриб давлат органлари ва ташкилотлари ўзлари томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимларини ва маълумотлар базаларини амалиётга жорий этиши тақиқланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Вазирлик ва «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси билан биргаликда:»;

в) 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўzlари «Вазирлик» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 7-банда:

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«а» кичик банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари «Вазирликка» сўзи билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Вазирлик» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Вазирлик» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 9-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Вазирлик ҳамда «Киберхавфсизлик маркази» ДУК тегишлича давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларининг Ягона реестр орқали экспертизадан ўтказилишини ҳамда ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилишини таъминласин»;

ж) 1-илова (Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом)да:

3-банддаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «ахборот тизимларини» сўзларидан кейин «ва жорий этиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ҳамда» сўзлари билан тўлдирилсин;

20-банднинг биринчи хатбошидаги «паспортлари маълумотларини ўзгартириш (янгилаш)» сўзларидан кейин «, шунингдек, лойиҳа-техник ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш» сўзлари билан тўлдирилсин;

26-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансан;

33-банддаги «Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг изоҳ қисмидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 6 ва 7-босқичларидаги «Масъуллар» устунидаги «Ўзкомназорат» сўзи «Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2-илова (Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрини шакллантириш ва юритиш ҳамда ягона идентификаторлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом)да:

З ва 32-бандлардаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

3-илованинг изоҳ қисмидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илова («Маълумотларни бошқариш» ахборот тизими орқали давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низом)да:

2-банднинг еттинчи хатбошисидаги ва 3-банддаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

«а» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари «Рақамли технологиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

15 ва 16-бандлардаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш» сўзлари ҳамда 20-банддаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағал-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликни қисқартириш» сўзлари тегишлича «Рақамли технологиялар» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

Илова\* қуидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
 АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
 БҮЙРУФИ**

**85**

**Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3425*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Конунининг 18-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. БУРХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 март,  
54-сон

*Келишиилди:*

*Давлат хизматини ривожлантириш  
 агентлиги директорининг  
 биринчи ўринбосари*

**A. ХАСАНОВ**

*2023 йил 9 март*

---

\* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 марта эълон қилинган.

*Камбағалликни қисқартишиш ва  
бандлик вазири*

*Б. МУСАЕВ*

*2023 йил 10 март*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2023 йил 7 март*

Ўзбекистон Республикаси  
коррупцияга қарши курашиб агентлиги ди-  
ректорининг 2023 йил 11 марта  
54-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари,  
халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши  
мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф  
этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга ошириладиган хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар (бундан бўён матнда халқаро ва бошқа расмий тадбирлар деб юритилади) муносабати билан совға олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар билан боғлиқ бўлмаган хизмат сафарлари муносабати билан давлат фуқаролик хизматчисининг совға олиши тақиқланади.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат органи** — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма;

**совға** — давлат фуқаролик хизматчисига халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан жисмоний ва юридик шахслар томонидан бепул тақдим этилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки беғараз қўрсатилган хизмат;

**халқаро тадбирлар** — давлат органи номидан, унинг расмий вакилла-

ри ҳамда хорижий мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси делегациясининг хорижий мамлакатга, хорижий мамлакат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи билан боғлиқ тадбирлар;

**расмий тадбирлар** — давлат органига юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб, давлат органи номидан, унинг расмий вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, муайян мақсадларга эришишга қаратилган тадбирлар (расмий қабул, маросим, учрашув, анжуман, семинар, брифинг, симпозиум, тақдимот, давра сұхбати ва бошқа тадбирлар);

**хизмат сафари** — давлат органи раҳбарининг бўйруғига (қарори, фармойишига) асосан давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг доимий иш жойидан бошқа жойга (Ўзбекистон Республикаси худудида ёки унинг худудидан ташқари) хизмат вазифасини ва топширифини бажариш учун муайян муддатга юборилиши;

**совфа берувчи** — ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан давлат фуқаролик хизматчисига совфа тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс вакили;

**Совғалар реестри** — давлат фуқаролик хизматчиси томонидан ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан қабул қилинган совғалар тўғрисидаги маълумотлар рўйхати;

**мехмондўстлик белгиси** — ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва этикет қоидаларига мувофиқ нонуштага, кофе-брейкка, тушликка, кечки овқатга ва оммавий-маданий ва концерт-томуша тадбирларига таклиф қилиш.

3. Мазкур Низом талабларига риоя этиш Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги барча давлат фуқаролик хизматчилари учун мажбурийдир.

4. Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан ўзларининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан давлат фуқаролик хизматчиси томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

5. Давлат фуқаролик хизматчиси ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзи ёки бошқа шахслар учун совфа тақдим этилишини сўрашига ёки талаб қилишига йўл қўйилмайди.

6. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унинг оила аъзоларига тақдим этилган совфа давлат фуқаролик хизматчисига берилган совфа деб ҳисобланади.

7. Давлат органи раҳбарининг бўйруғига (қарорига, фармойишига) асосан:

совғанинг қийматини аниқлаш ва уни сақлаш, Совғалар реестрини юритиш давлат органининг хўжалик бўлинмаси (бундан бўён матнда бўлинма деб юритилади) (ходими) томонидан;

совғани давлат органининг балансига кирим қилиш мазкур давлат органининг молия-иктисод бўлинмаси (ходими) томонидан;

совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш давлат органининг коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси (ходими) томонидан амалга оширилади.

Бунда, давлат органида мазкур бандда назарда тутилган таркибий бўлинмалар (ходимлар) мавжуд бўлмаган тақдирда тегишли вазифа давлат органи раҳбарининг буйруфига (қарорига, фармойишига) асосан бошқа таркибий бўлинмага (ходимга) юклатилиши мумкин.

## **2-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғани қабул қилиш талаблари**

8. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари, давлат органининг ички идоравий хужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлиши;

совға уни берувчи томонидан аниқ бир халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ихтиёрий тақдим этилган бўлиши;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан очиқ ва ошкора қабул қилиниши;

давлат органининг обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;

манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги.

9. Давлат фуқаролик хизматчиси совғани қабул қилиш жараёнида совға берувчидан совғанинг қийматини тасдиқловчи хужжатларни (совғанинг қийматини тасдиқловчи савдо чекини ёки савдо квитанциясини ёхуд бошқа хужжатларни) сўраб олиши мумкин.

10. Давлат фуқаролик хизматчисига тақдим этилган тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар (табиий гулдаста, доналик ширинликлар), шунингдек канцелярия тўпламлари (тақвим, буклет, пластмассали ручка, кундалик ва блокнот) совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ушбу совғалар давлат фуқаролик хизматчиси томонидан ўз хохишига кўра тасарруф этилади.

11. Давлат фуқаролик хизматчиси унга халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифни қабул қилиши мумкин.

Бунда, давлат фуқаролик хизматчиси меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифнинг беаразлигига шубҳа сезган тақдирда, ушбу таклифни дарҳол рад этиши ва алоқа воситалари орқали бу ҳақда коррупцияга қарши курашиш бўлинмасини огоҳлантириши шарт.

**3-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан  
тақдим этилган совфанинг қиймати ва уни тасарруф этиш**

12. Давлат фуқаролик хизматчиси халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унга тақдим этилган совфани ушбу тадбирлардан қайтиб келган кундан бошлаб уч иш куни ичида бўлинмага совфанинг қийматини тасдиқловчи тегишли хужжатлар (совфанинг қийматини тасдиқловчи савдо чеки ёки савдо квитанцияси ёхуд бошқа хужжатлар) мавжуд бўлса, ушбу хужжатлар билан бирга тақдим этади, бундан мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган совғалар мустасно.

13. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совфани бўлинмага топширилиши тўғрисидаги топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) расмийлаштирилгунга қадар совфанинг бутлиги ва сақланиши учун жавобгарлик давлат фуқаролик хизматчиси зимасида бўлади.

14. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан бўлинмага топширилган ҳар қандай совфа бўйича далолатнома ушбу бўлинма томонидан икки нусхада тузилади. Бунда, бўлинма томонидан ушбу далолатноманинг биринчи нусхаси мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги Совғалар реестрида совфани рўйхатга олган ҳолда давлат фуқаролик хизматчисига қайтарилади, иккинчи нусхаси ушбу бўлинмада сақланади.

15. Давлат фуқаролик хизматчисида совфанинг қийматини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлмаса, бўлинма томонидан совфанинг қиймати аниқланади.

Бунда, бўлинма томонидан совфанинг бозор нархи савдо дўконлари, интернет ҳамда бошқа манбалар ва усуллар орқали ўрганилиб, унинг ўртача қиймати аниқланади ва унинг натижаси бўйича баённома расмийлаштирилади.

16. Совфанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаган миқдорда эканлиги аниқланган тақдирда, совфа давлат фуқаролик хизматчисида қолдирилади ва у томонидан ўз ихтиёрига кўра тасарруф этилади.

Бунда, бўлинма томонидан совфанинг давлат фуқаролик хизматчисига топширилганлиги бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Совфанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваридан ортиқлиги аниқланган тақдирда, совфа молия-иқтисод бўлинмаси томонидан давлат органининг балансига кирим қилинади.

17. Давлат органининг балансига ўтказилган совғадан давлат органининг эҳтиёжи учун фойдаланишга рухсат этилади.

18. Давлат фуқаролик хизматчisi халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзига тақдим этилган совғаларни қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида ҳар қандай шубҳа пайдо бўлганда, шу заҳоти ушбу масала бўйича бевосита ўзининг юқори турувчи раҳбариятини ёки коррупцияга қарши курашиш бўлинмасини хабардор қилиши шарт.

Совфанинг қийматини тасдиқловчи хужжатларнинг ишончлилиги ва хақиқийлиги бўйича шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилган

хужжатларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлиги коррупцияга қарши курашиб бўлинмаси томонидан текширилиши мумкин.

19. Давлат фуқаролик хизматчисининг халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унинг оила аъзоларига тақдим этилган совға мазкур бобга мувофиқ тасарруф этилади.

#### **4-боб. Якуний қоида**

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олинниши мумкин бўлган совфа киймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

(давлат органни номи)

**Хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан давлат фуқаролик хизматчилари томонидан қабул қилинган соввалар бўйича  
РЕЕСТР**

Т/р	Давлат хизматчиси томонидан совфа қабул қилинган сана	Совғанинг қилган давлат хизматчисининг Ф.И.О. ва лавозими	Совғанинг тавсифи	Совғанинг берилиш сабаби/ муносабати	Совфа берувчининг маълумотлари*	Совғанинг киймати**	Совғанинг тасарруф этилиши**	Совғанинг топширган давлат хизматчи-имзоси ва сана	Масбул ходимнинг имзоси ва сана
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									
...									

*Изоҳ:*

\* хорижисий мамлакат ва ташкилотниң номи, совга берувчининг Ф.И.О. ва лавозими;  
\*\* совғанинг қийматини масдинкловчи савдо чеки ёки савдо квотанцияси ёхуд бошқа хизматчилар мавжуд бўлса, иш асосида, агар мавжуд бўлмаса, совғанинг қийматини аниқлаш асосида тайлдирилади;  
\*\*\* совғанинг давлат фуқаролик хизматчиси тасарруфига ўтказилиганлиги ёки давлат органига топширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёзилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**86** Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон қарори (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 357-модда) билан тасдиқланган Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори**

**А. ОРТИКОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 февраль,  
01/11-14/21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 марта эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиб департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 февраль,  
6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат активларини бошқариш агентлигининг  
2023 йил 25 февралдаги 01/11-14/21-сон ва  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиб департаментининг 2023 йил  
24 февралдаги 6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган  
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга  
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга  
қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

**«учинчи томон** — Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар;»;

**«юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмаси** — чет давлатнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилма (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари).».

2. 14<sup>2</sup>-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу мижозга нисбатан мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

3. Қўйидаги мазмундаги 14<sup>3</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«14<sup>3</sup>. Риэлторлик ташкилотлари мазкур Коидаларнинг 14<sup>2</sup>-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик риэлторлик ташкилотларининг зиммасида қолади. Бунда риэлторлик ташкилотлари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхаларини сўров асосида дархол олиш имкониятига эга бўлишига;

учинчи томон мазкур Коидалар асосида ишлашига ишонч ҳосил қилиши керак.

Мазкур банднинг юқорида кўрсатилган талабларидан бирiga риоя қилинмаган тақдирда, риэлторлик ташкилотлари мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширишлари керак.».

4. Қўйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«17<sup>1</sup>. Мижоз — юридик шахсни ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш мазкур Коидаларнинг иловасида назарда тутилган ахборот асосида амалга оширилади.

Идентификация натижаси фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда масъул ҳодим томонидан алоҳида журналга киритилади.».

5. 18-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқкан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, йилига камида бир маротаба янгилаши лозим.».

6. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Риэлторлик ташкилотлари қўйидаги ҳолларда мижозга операцияларни амалга оширишни рад этади:

мижозни лозим даражада текшириш чораларини қўллаш имкони бўлмаганда;

идентификациялашни тугатиш имкони бўлмаган ёки лозим даражада текшириш натижалари бўйича у билан ишга оид муносабатларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар олинган ҳолда;

атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Мижозларга рад этилган ҳолларда риэлторлик ташкилотлари маҳсус ваколатли давлат органига хабар юборишлари керак.».

7. 25-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Шубҳали операция ҳақидаги хабар риэлторлик ташкилоти томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейин бир иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги

402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ маҳсус ваколатли давлат органига берилади.».

8. 28-банд «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлардан кейин «, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қўйидаги мазмундаги 31<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«31<sup>2</sup>. Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига нисбатан ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар қўлланилади.».

10. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий  
фаолиятдан олинган даромадларни легаллашти-  
ришга, терроризмни молиялаштиришга ва /  
оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига киритилаётган  
қўшимча ва ўзгартишларга  
**ИЛОВА**

«Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий  
фаолиятдан олинган даромадларни легаллашти-  
ришга, терроризмни молиялаштиришга ва  
оммавий қирғин қуролини тарқатишни молия-  
лаштиришга қарши курашиш бўйича ички  
назорат қоидаларига  
**ИЛОВА**

### **Мижоз — юридик шахсни ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТ**

1. Тўлиқ, шунингдек агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи.
2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи.
3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Жойлашган жойи (почта манзили).
5. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.
6. Мавжуд бўлган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги,

амал қилиш муддати) ёхуд хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги) хақидаги маълумотлар.

7. Мижоз номидан иш қўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар.

8. Мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) хақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар.

9. Рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

10. Мижознинг бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар.

11. Бофланиш маълумотлари (телефон рақами, электрон почта, веб-сайт (агар мавжуд бўлса).».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**87**

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июнданги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 март,  
4/12-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
2 мартдаги 4/12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига  
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 16-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«бирлашмаган хўжалик юритувчи субъектлар капиталига барча инвестициялар суммаси, шу жумладан бундай хўжалик юритувчи субъектлар капиталини ташкил қилувчи қарз мажбуриятлари. Бундан, қайта тикланадиган (энергия тежовчи) энергия манбаларини, жумладан йирик қуёш ва шамол электр станциялари, қуёш панеллари ҳамда кичик фотоэлектр станциялари

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 марта эълон қилинган.

ни ишга туширишни молиялаштириш учун 2023 йилнинг 1 декабрига қадар қилинган инвестициялар мустасно;».

2. 1-илова қўйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

5 <sup>1</sup> .	Қайта тикланадиган (энергия тежовчи) энергия манбаларини, жумладан йирик қуёш ва шамол электр станциялари, қуёш панеллари ҳамда кичик фотоэлектр станцияларини ишга тушириш учун жисмоний ва юридик шахсларга 2023 йилнинг 1 декабрига қадар ажратилган кредитлар	0%
------------------	---	----

».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2023 йил 11 мартағи 54-сон «Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи.

**2023 йил 13 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3425.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 25 февралдаги 01/11-14/21-сон ва Баш прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 24 февралдаги 6-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-6.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 2 мартағи 4/12-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 17 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-9.**